

**ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ЯККА ТАРИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ
БАНК ҲИСОБВАРАҒИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШГА
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кӯчаси, 1-й манзилида рўйхатдан ўтган, СТИР: 206 942 764 (ОКЭД: 64190) бўлган, 2023 йил 15 апрелдаги 75-сонли лицензия асосида фаолият юритувчи “Invest Finance Bank” Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) барча юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси 2-қисмига мувофиқ ушбу оммавий офертада кўрсатилган шартларда қуидаги банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома деб юритилади) тузишни таклиф қиласди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур Шартнома Мижознинг аризаси асосида тузилган бўлиб, банк ҳисобварағини (кейинчалик матнда “ҳисобрақам”) очиш, ҳисобрақамга тушадиган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисоблаш, ҳисобрақамдан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва тўлаш, касса хизматларини кўрсатиш ҳамда ҳисобрақам бўйича бошқа амалиётларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган тартибда амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

1.2. Банк томонидан кўрсатиладиган кредитлаш, факторинг, молиявий лизинг, қимматли қозоғларни харид қилиш-сотиш, қимматли қоғозлар ҳисобини юритиш ва сақлаш, қимматли қоғозларни бошқариш, банкда қимматбаҳо буюмларни (хужжатлар, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлар ва х.к.) сақлаш, маҳсус хоналарни ёки улардаги пўлат сейфларни хужжатлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун ижарага бериш, андеррайтинг, консалтинг, кафолат, кафилликларни тақдим этиш, Мижоздан эркин валюта маблағларини харид қилиш хизматлари учун ҳамда Банк томонидан халқаро банк амалиёти доирасида бошқа хизматларни тақдим этганлик учун фоиз ставкалари ва тарифлар миқдори алоҳида шартномалар билан тартибга солинади.

1.3. Мижознинг пул маблағларини жамғарма ва муддатли депозитларга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида шартномалар билан тартибга солинади.

1.4. Банк томонидан Интернет тармоғида ўзининг расмий веб-сайтида- www.infinbank.com эълон қилинган ёки жойлаштирилган ушбу хужжат оммавий оферта (банкнинг шартнома тузиш таклифи) ҳисобланishi асосида, Банк ва Мижоз ўртасидаги ушбу шартнома Мижоз Банк таклифини қабул қилган (акцептлаган) пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

1.5. Мижознинг аризани имзолаш ҳамда тегишли тарифни танлаши бўйича хатти-ҳаракатлари ушбу таклифни акцептлаши (Мижознинг шартнома тузишга розилиги) ҳисобланади.

1. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Мазкур Шартномага мувофиқ банк қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.1.1. Амалдаги қонунчилик доирасида Мижоз топшириғи бўйича ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган бошқа ҳисоб-касса амалиётларини амалга оширади. Хусусан:

а) тушган пул маблағларини Мижознинг ҳисобрақамига, Банк томонидан пул маблағлари тушганлиги ҳақидаги тегишли электрон тўлов хужжати, чекнинг асл нусхаси ёки БТКдан

фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар олинишига қараб, ўша куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечиктирмасдан ўтказиш;

- б) тегишли тўлов ҳужжати асосида Мижознинг ҳисобрақамидан пул маблағларини ўтказиш ҳақидаги топшириқни бажариш;
- в) амалдаги конунчилик доирасида Мижознинг қарз мажбуриятлари бўйича тўлов талаблари ва инкасса топшириқларини бажариш;
- г) амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ Мижоздан нақд пул маблағларини қабул қилиш ва бериш;
- д) бошқа ҳисоб ва касса хизматларини кўрсатиш (Банк ва Мижоз ўртасида тузилган алоҳида шартномалар билан тартибга солинадиган амалиётлар бундан мустасно).

2.1.2. Ҳисобрақамдаги пул маблағларидан фойдаланганлик учун Банк Мижозга фоизлар тўламайди.

2.1.3. Мижознинг ҳисобрақамидан пул маблағларини ечиб олиш фақат Мижознинг топшириғи бўйича ёки унинг розилиги билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив ҳужжатига мувофиқ амалга оширилади (акцептсиз ва инкасса топшириғисиз тўлов талабномаси бундан мустасно). Мижоз ҳисобрақамида пул маблағлари бўлмаганида ёки улар етарли бўлмаганида, Банк тўлов ҳужжатининг тўланмаган суммасини қонунчиликда белгиланган тартибда 2-сонли картотекага ўтказади.

2.1.4. Мижозларга хизмат кўрсатиши жадвалида белгиланган вақтда Мижозга хизматлар кўрсатади, дам олиш ва байрам (иш куни ҳисобланмаган) кунлари бундан мустасно.

2.1.5. Мижоз топшириғи бўйича ҳисоб-китоб амалиётларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўрнатилган нақдсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш қоидларига қатъий мувофиқ равища амалга оширади. Фақат Мижоз ва/ёки Мижоз томонидан вакил қилинган шахслар имзоларининг намуналари ва муҳрининг изи акс этган картада кўрсатилган шахслардан пул-ҳисоб ҳужжатларини бажариш учун қабул қиласди.

2.1.6. Тўлов ҳужжатлари қабул қилинганда барча зарурий реквизитлар, имзолар ва бошқа ахборотларнинг тўғри расмийлаштирилганини текшириш, расмийлаштирилган тўлов ҳужжатининг ижросини тегишли тартибда у олинган кунда (агар тўлов ҳужжати амалиёт куни тугашидан камида 15 дақиқа олдин келиб тушган бўлса) ёки келгуси иш кунидан кечиктирмасдан (агар тўлов ҳужжати амалиёт куни тугагандан кейин ёки амалиёт куни тугашидан 15 дақиқадан камроқ вақт қолганда келиб тушган бўлса) таъминлаш.

2.1.7. Мижозни касса ҳужжатлари (нақд маблағларни киритиш учун аризалар бланклари ва бошқа зарур бланклар) билан таъминлайди.

2.1.8. Мижознинг топшириғи бўйича унга ёки унинг ишончнома бўйича фаолият қўрсатаётган вакилига ҳисобрақамдан кўчирмалар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

2.1.9. Банк сири ҳисобланган Мижоз ҳақидаги ахборот ва маълумотларнинг сир тутилишини кафолатлайди.

2.1.10. Мижоз ҳисобрақамидаги пул маблағларининг бутунлигини таъминлайди.

2.2. Мазкур Шартномага мувофиқ Мижоз қўйидаги мажбуриятларни ўз зинмасига олади:

2.2.1. Ҳисоб-китоб амалиётларини бажариши учун Банкка барча зарур ҳужжатларни тақдим этади.

2.2.2. Банкнинг иш жадвалига, тўлов ҳужжатларини ҳамда мазкур Шартнома предметига доир Банкнинг бошқа локал ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига амал қиласди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги норматив ҳужжатлари талабларини бажаради.

2.2.3. Ҳар йили январь ойи давомида, янги ҳисобрақамларни очган мижозлар эса – кейинги ойдан кечиктирмасдан, банкка нақд пул тушумларини топшириш тартиби ва муддати ва банк кассасидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун нақд пул олиш муддати бўйича

ҳамда кун якунида ўз кассасида нақд пул қолдигининг рухсат этилган лимитини белгилаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотномани икки нусхада тўлдиради.

2.2.4. Ҳисобрақамда маблағлар мавжуд бўлганида, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни бериш бўйича тақвим жадвалига мувофиқ, Банкка нақд пул олиш учун пул чекини тақдим этиш ва олинган пул маблағларидан қатъий мақсади бўйича фойдаланади.

2.2.5. Тўловларни амалга ошириш мақсадларида ҳисобрақамда пул маблағларининг етарли ҳажмига эга бўлади.

2.2.6. Кўрсатилган Банк хизматлари учун тўловларни Банк Тарифларида кўзда тутилган тартибда амалга оширади.

2.2.7. Агар Банк Тарифлари мазкур Шартноманинг 3.1.10-бандига мувофиқ ўзгартирилган бўлса, Мижоз, улар жорий этилган пайтдан бошлаб, комиссия ҳақини ва янги Банк Тарифларида кўзда тутилган бошқа тўловларни тўлаш мажбуриятини олади.

2.2.8. Банкнинг талаби бўйича, чет эл давлатларининг субъектлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилган экспорт-импорт ва бошқа амалиётлар ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, зарурат бўлганида, ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадалрни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга ҳамда оммавий қирғин қуроли тарқалишини молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган мажбуриятларни бажариш қисмида ҳам, Банкка зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этади.

2.2.9. Ташкилий-хуқуқий шакли, банк реквизитлари, фирма номи ўзгарган тақдирда, шунингдек таъсис хужжатларида кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда ушбу ўзгаришлар ҳақида Банкни 1 (бир) иш куни ичida, юридик ёки почта манзили ўзгарган тақдирда – 5 (беш) иш куни давомида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қиласди. Бунда раҳбар ёки бош бухгалтер ўзгарганида, ушбу ўзгаришлар ҳақида Банкни ўша куннинг ўзида хабардор қиласди ва банкка янги мансабдор шахсларни кўрсатган ҳолда, имзолар намуналари ва муҳр (мавжуд бўлганда) изи қўйилган варақчани тақдим этади.

2.2.10. Белгиланган муддатларда Банк кассасидан пул чеклари бўйича олинган ва депонентга ўтказилган нақд пул маблағларини Банк кассасига топширади.

2.2.11. Ўз кассасидаги нақд маблағларнинг келиш ва сарфланиш тартибига амал қиласди, касса интизоми ҳамда лимитдан ташқари нақд маблағни Банкка топшириш тартибига амал қиласди.

2.2.12. Мазкур Шартноманинг 3.1.4-бандига мувофиқ, Банк томонидан сўраладиган зарур хужжатларни тақдим этади, шунингдек зарурат бўлган тақдирда, шубҳали амалиётлар аниқланганида, Банкнинг биринчи талаби бўйича амалиётларнинг ўтказилиши қонунийлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этади.

2.2.13. Ҳисобрақамда ҳисобот ойдан кейинги ой учун банк комиссиясини тўлашга етарли миқдорда минимал қолдиқ бўлишини таъминлайди.

2.2.14. Мижоз ушбу шартномага, банк тарифларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини Банкнинг веб-сайтида текшириб бориши, бундай маълумотлар мавжуд бўлганда Хизмат кўрсатилишининг янги тартиби ва шартларини дикқат билан ўрганиши ва уларга амал қилиши шарт.

2.2.15. Томонлар мазкур Шартнома бўйича маҳфийликка амал қилиши ҳамда иккинчи томоннинг ёзма розилигисиз мазкур Шартнома бўйича маълумотларни тарқатмаслиги шарт, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Банк мазкур Шартномага мувофиқ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, ЎзР Марказий банкининг норматив ҳужжатлари, Банкнинг локал ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоблар тартиби бузилиши ҳамда Мижоз томонидан тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва ўз вақтида тақдим этиш тартибининг бузилиши ҳолатлари аниқланганида, Банк амалиётлар ўтказилишини тўхтатиш бўйича чораларни қўради, яъни қонунчиликка зид бўлган тўловни ўтказишни рад этади ва унинг ўтказилишини тўхтатади;

- 3.1.2. Мижоз маблағларининг бутунлиги ва улардан эркин фойдаланишини кафолатлаган ҳолда, Мижознинг бўш маблағларидан ресурслар сифатида фойдаланади;
- 3.1.3. Қонунчиликда белгиланган тартибда Мижознинг розилигисиз (акцептсиз), шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган ва мижоз билан келишув бўйича бошқа ҳолатлар унинг ҳисобрақамидан пул маблағларини – бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни ечиб олади;
- 3.1.4. Банк амалиётларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган хужжатларнинг ҳақиқийлиги бўйича шубҳа пайдо бўлганида, амалиётни ўтказишни тўхтатади, бунда имзо қўйиш хукуқига эга бўлган Мижознинг мансабдор шахсларини хабардор қиласди. Мижоздан ўтказилаётган амалиётнинг қонунийлигини тасдиқловчи қўшимча хужжатларни талаб қиласди.
- 3.1.5. Банк қўйидаги ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мулк билан амалиётларни амалга оширишни Мижозга рад этишга ҳақли:
- ўзи жойлашган манзил (почта манзили) бўйича юридик шахснинг ёки юридик шахс номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш хукуқига эга бўлган шахснинг бошқарув органи мавжуд бўлмаганида;
 - аввалдан ҳақиқий бўлмаган хужжатлар тақдим этилганида ёки қонунчиликка мувофиқ сўралган хужжатлар тақдим этилмаганида;
 - террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятда иштирок этиши ёки иштирок этганинда гумон борлиги ҳақида амалдаги қонунчиликка мувофиқ олинган маълумотлар мавжуд бўлганида;
 - ҳисобрақамдаги пул маблағлари хатлангандан ёки қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда ҳисобрақам бўйича амалиётларни тўхтатиши.
- Бунда, амалдаги қонунчиликка мувофиқ шахслар террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишида қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига кирганида, Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўрнатилган тартибда Мижознинг розилигисиз пул маблағлари ёки бошқа мулк билан амалиётларни музлатиш ва/ёки тўхтатиши (пул маблағларини ўтказиш бўйича амалиётлар бундан мустасно) хукуқига эга.
- Пул маблағлари ва бошқа мулк билан амалиётлар тўхтатилганида ва (ёки) музлатилганида, мижознинг топшириқлари асосида ҳисобрақамлардан пул маблағлари ечиб олинмайди, банқда сақланадиган мулк эса берилмайди.
- 3.1.6. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда, Мижознинг розилигисиз, бир томонлама тартибда, террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишида қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинган шахслар рўйхатига (юридик ёки жисмоний шахс) киритилган шахснинг пул маблағлари ёки бошқа мулки бўйича амалиётларни тўхтатиши ва (ёки) музлатиш хукуқига эга;
- 3.1.7. Қуйидаги ҳолатларда пул маблағлари ёки бошқа мулк билан амалиёт ҳам тўхтатилиши, пул маблағлари ёки бошқа мулк эса музлатилиши керак:
- а) унинг иштирокчиларидан бири террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишида қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахснинг номидан ёки унинг топшириғи бўйича ҳаракат қиласа;
 - б) террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишида қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ҳамда амалиётни ўтказиш учун фойдаланилаётган пул маблағлари ёки бошқа мулк;
 - в) амалиёт иштирокчиси бўлган юридик шахс террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишида қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорати остида бўлса. Пул маблағлари ва бошқа мулк билан амалиётлар тўхтатилган ва (ёки) музлатилган тақдирда мижознинг топшириғи асосида ҳисобрақамлардан пул маблағларини ечиб олиш амалга оширилмайди, банқда сақланадиган мулк эса берилмайди.
- 3.1.8. Мижознинг талаб қилиб олгунча асосий ҳисобрақамида 2-сонли катотека мавжуд бўлганида, Мижознинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ва бошқа ҳисобрақамларидаги пул маблағлари Мижознинг асосий ҳисобрақамига ўтказилади (Ўзбекистон Республикасининг

амалдаги қонунчилигига мувофиқ ушбу талаб тааллуқли бўлмаган ҳисобрақамлар бундан мустасно).

3.1.9. Банкнинг иш куни яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилганидан кейин хатоликлар аниқланган тақдирда, Банк кейинги банк кунида Мижознинг розилигисиз унинг ҳисобрақамидан тескари бухгалтерлик тузатиш “проводка”сини амалга ошириш йўли билан нотўғри ҳисобланган тегишли суммани ечиб олади;

3.1.10. Мижоз ушбу билан Банк тегишли маълумотларни Банк веб-сайтида камида 10 (үн) календарь куни олдин жойлаштириш орқали мижозни аввалдан хабардор қилган ҳолда куйидагиларни ўз ихтиёрига қўра ўзгартириши мумкинлигига розилик билдиради, жумладан:

Банк Тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: Банкка комиссия тўлаш ва Мижоз томонидан Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тўловларни амалга ошириш миқдори, тартиби ва шартларини ўзгартириш;

Ушбу офертага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

3.1.11. Мижознинг ҳисоб рақамига акцептли тўлов талабномаси келиб тушиши (электрон шаклда ёки қўл билан) муносабати билан “Интернет банк” тизимида “flash-хабарнома” пайдо бўлганда, Мижоз Bankmail бўлимида ушбу тўлов талабномаси билан танишиш ва уни акцептлаш ёки акцептламаслик масаласини ҳал қилиш мажбуриятини олади. Агар Мижоз томонидан тўлов талабномасини акцептлашни рад қилиш тўғрисидаги рад қилиш сабаблари кўрсатилиши ва шахсий варакчада кўрсатилган шахслар томонидан имзоланиши (Тизим орқали юборган ҳолларда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши) мажбурий бўлган ёзма ёки электрон шаклдаги аризаси Банкка тақдим қилинган ҳолларда, тўлов талабномаси Мижоз томонидан умумий тартибда акцептланган ҳисобланади ва ва шундан сўнг тўлов амалга оширилади;

3.1.12. Мижоз ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, Банк операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки амалга ошираётган операцияларни Мижознинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва ушбу шартномани бир тамонлама бекор қилиш ҳукуқига эга.

3.2. Мазкур Шартномага мувофиқ Мижоз қуйидаги ҳукуқларга эга:

3.2.1. Амалдаги қонунчилик ва мазкур Шартнома шартларига мувофиқ ҳисобрақамдаги пул маблағларини эркин тасарруф қилиш;

3.2.2. Банкка ҳисоб-касса амалиётларини бажаришга топшириқ бериш, уларнинг ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш, инкассо бўйича ҳисоб-китоблар ҳақида сўровлар бериш;

3.2.3. Ҳисобрақамда пул маблағлари мавжуд бўлганида ва улар бронлаб қўйилганида иш ҳақини тўлаш жадвалига биноан қонунчиликка мувофиқ нақд пул маблағларини олиш;

3.2.4. Банкка белгиланган жойга тушмаган пул маблағларини излаш, уларнинг қаердалигини аниқлаш ва қайтариш ҳақида илтимос билан мурожаат қилиш;

4. ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШ БЎЙИЧА АМАЛИЁТЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.

4.1. Мижоз учун биржадан ташқари валюта бозорида чет эл валютасини харид қилиш бўйича амалиётлар “Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш Қоидалари” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 31 августда 3281-сон билан рўйхатга олинган) ва бошқа қонунчилик актлари билан тартибга солинади.

4.2. Мижоз чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун Банкка буюртма тақдим этади. Мижоз томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун буюртмалар Банкка масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали электрон қўринишда ҳам тақдим қилиниши мумкин. Буюртмада қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик мазкур буюртмани тақдим этган Мижоз зиммасига юклатилади. Чет эл валютасидаги кредит ва лизингларга хизмат кўрсатиш, хорижий инвесторлар фойдаси, дивиденд ва бошқа даромадларни репатриация қилиш мақсадида чет эл валютасини сотиб олишда, Банк ушбу операцияларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи қўшимча хужжатларни талаб қилишга ҳақли.

4.3. Мижознинг аризасига биноан Банк Мижозга чет эл валютасини харид қилиш учун маблағларни захиралаш мақсадида миллий валютада ҳисоб варақ ва маҳсус валюта ҳисоб варақларини очади, маҳсус валюта ҳисобрақамига валюта бозорида харид қилинган чет эл валютаси ўтказилади. Маҳсус валюта ҳисобварағига Мижоз томонидан сотиб олинган, шунингдек, ушбу ҳисобварақдан илгари чиқарилиб, фойдаланилмаган ёки бошқа сабабларга кўра қайтарилиган чет эл валютаси ҳам кирим қилинади. Маҳсус валюта ҳисобварақларига киритилган маблағлар қатъий равишда буюртмаларда кўрсатилган мақсадлар учун сарфланади.

4.4. Мижоз биржадан ташқари валюта бозорида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш бўйича амалиётларни ўтказганлик учун белгиланган Банк тарифларига мувофиқ мукофот пулини тўлаш мажбуриятини олади.

4.5. Қаноатлантириш тўғрисида хулоса тасдиқланган буюртмалар бўйича Банк ва мижозлар ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади. Белгиланган вақтда ҳисоб-китоблар якунланмаган бўлса, келишув бекор қилинган ҳисобланади.

4.6. Мижоз томонидан сотиб олинган (шу жумладан фойдаланилмаган ёки қайтарилиган) валюта маблағлари Мижознинг маҳсус валюта ҳисобварағига киритилган вақтдан эътиборан етти банк иш куни мобайнида фойдаланилиши ёки ушбу муддат тугагандан кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда Банкка қайта сотилиши шарт.

4.7. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш бўйича бошқа қолган барча масалаларда томонлар “Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш Коидалари” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 31 августда 3281-сон билан рўйхатга олинган) ва бошқа қонунчилик актларига таянади.

5. БАНК СИРИ

5.1. Банк “Банк сири тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, банк сирини ташкил қилувчи Мижоз ҳақидаги ахборот ва маълумотларнинг маҳфийлигини кафолатлади.

5.2. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар Банк томонидан Мижозга ёки унинг вакилига фақат уларнинг ёзма мурожаати бўйича тақдим этилиши мумкин.

5.3. Учинчи шахсларга банк сирини ташкил қилувчи Мижоз ҳақидаги ахборотни тақдим этишга фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган ҳолатларда йўл қўйилади.

6. БАНК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН КОМИССИЯ ҲАҚИ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Банк хизматлари учун Мижоз ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган ўзи танлаган воситачилик ҳақи тарифларига мувофиқ микдорда ҳақ тўлайди. Тарифни танлаш Мижоз томонидан Банкка ёзма ариза бериш вақтида амалга оширилади. Мижоз Банк Тарифлари билан Банкнинг веб-сайтида ёки Банк филиали/банк хизмати маркази/бўлимида танишиши мумкин.

6.2. Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун комиссия суммаси Мижознинг ҳисобрақамидан унинг топшириғисиз (акцептсиз тартибда) хар ойда мемориал ордер билан ечиб олинади. Пакет қиймати Мижознинг топшириғисиз ҳисобрақамдан ҳар ойда, мемориал ордер билан, тортишувга ўрин қолдирмайдиган тартибда, биринчи банк иш кунида ечиб олинади. Мижоз томонидан 21-санадан ой якунигача бўлган даврда банк ҳисобрақами очилган тақдирда (шу жумладан, Мижознинг ўз кучини йўқотган тарифдан амалдаги хизматлар пакетига ўтиши) жорий ой учун пакет қиймати Мижоздан ундирилмайди.

6.3. Мижоз бир хизматлар пакетидан иккинчисига ўтганида, Банк томонидан пакетлар алмаштирилган тегишли ой учун хизматлар пакетларининг қийматлари орасидаги фарқ ундирилади.

6.4. Мижоз ҳисобрақамида Банк хизматлари учун қарздорликларни қоплашга пул маблағлари мавжуд бўлмаганида ёки улар етарли бўлмаганида, қарздорликнинг қопланмаган қисми, ЎзР Фуқаролик кодексининг 783-моддаси асосида акцептсиз тартибда тўлов талабномасини қўйиш йўли билан 2-сонли Картотекага жойлаштирилади.

6.5. Банк аввалги ой учун банкнинг хизматлар пакетига белгиланган тўловни амалга оширгаган ва/ёки 1 ой давомида ҳисоб рақамида ҳеч қандай пул айланмаларини бажармаган Мижозни ойлик тўлов кўзда тутилмаган бошқа пакетга ўтказиш ҳукуқига эгадир.

6.6. Мижозга хизмат кўрсатиш маълум бир тарифи Банк томонидан бекор қилинган тақдирда, Банк Мижозни камида 10 (үн) календар куни олдин тегишли маълумотларни Банк веб-сайтига жойлаштириш орқали мажбурий равишда хабардор қилган ҳолда, Мижозни Мижоз учун мақбул бўлган бошқа хизмат тарифига ўтказишга ҳақли. Шу билан бирга, Мижоз Банк томонидан у ўтказилган хизмат тарифига рози бўлмаса, Мижоз бошқа хизмат тарифини танлаш ҳукуқига эга.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Мазкур Шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бузилиши учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

7.2. БАНКНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

7.2.1. Банк Мижознинг ҳисобрақами бўйича амалиётлар ўз вақтида ва тегишли тарзда амалга оширилиши учун жавобгар бўлади.

7.2.2. Банк банк сирини ташкил қилувчи Мижоз ҳақидаги маълумотларнинг ноқонуний ошкор этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

7.2.3. Банк сирини ташкил қилувчи Мижоз ҳақидаги маълумотларнинг асоссиз ошкор этилиши учун Банк амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

7.2.4. Банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини бузганлик учун жавобгар бўлади.

7.3. МИЖОЗНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

7.3.1. Ҳисобрақамдан кўчирма олинганидан сўнг Банкка 2 (икки) иш куни ичida Мижознинг ҳисобрақамига адашиб (нотўғри) тушган маблағларни қайтариш ҳақидаги тўлов топшириқномаси тақдим этилмаган тақдирда, Мижоз Банкка ҳар бир кечикирилган кун учун адашиб тушган сумманинг 0,05% миқдорида пеня тўлайди. Аммо ҳисобланган пенянинг умумий миқдори адашиб тушган сумманинг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3.2. Мижоз ҳисобрақам бўйича амалга ошириладиган амалиётларнинг қонунийлиги учун жавобгар бўлади.

7.3.3. Мижоз Банкда олинган нақд пул маблағларининг ўз вақтида кассага кирим қилиниши, ушбу пул маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда касса интизомига амал қилиниши учун жавобгар бўлади.

7.3.4. Мижоз Банкка ҳисботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва уларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлади.

7.3.5. Мижоз Банкка тақдим этиладиган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва қонунийлиги учун жавобгар бўлади.

7.3.6. Ҳисобваракдан фойдаланган ҳолда банк операцияларини масофавий амалга оширишда Мижоз қуидагилар ҳақида огоҳлантирилади:

ноқонуний операцияларга араласиб қолиш хавфи Мижознинг зиммасида эканлиги ҳақида;

Мижоз ноқонуний операцияларга араласиб колган тақдирда, банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тегишли чоралар кўриши ҳакида.

7.3.7. Мижоз Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини бузганлик учун жавобгар бўлади.

8. БАНКНИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. *Банк қуидаги ҳолатларда шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмагани ёки қисман бажарилмагани учун жавобгарликдан озод этилади:*

а) банклараро электрон тўловлар тизимидағи эҳтимолий бузилишларда;

б) Мижоз томонидан тўлов ҳужжатларини расмийлаштиришда йўл қўйилган камчиликлар натижасида Мижоз тўловлари кечикирилганида;

в) ҳисобрақамдаги пул маблағлари ёки бошқа мулк музлатилган ва улар хатланганида ёки қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда ҳисобрақам бўйича амалиётлар тўхтатилганида;

г) нақд пул олиш учун зарур бўлган тўлов ҳужжатлари ўз вақтида тақдим этилмаганида ёки тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар ва хатоликлар бўлган тақдирда;

д) Банкда Банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаганида ёки бир Томон иккинчи Томон олдида жавобгар бўлмайдиган, Томонларнинг хоҳиш-иродасидан ва истакларидан ташқари юзага келган, олдиндан кўра билишининг ёки оқилона усуллар билан йўл қўймасликнинг, шу жумладан давлат бошқаруви ва назорати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чекловчи-тақиқловчи характердаги ҳужжатлар/чораларни кўриш имкони бўлмаган форс-мажор ҳолатлари – сув тошқинлари, зилзилалар ва бошқа табиий офатлар, уруш, эпидемиялар ва эпизоотиялар юзага келганида ёки амалдаги қонун ҳужжатлари ёки уларга киритилган ўзгаришлар ўз кучини йўқотган деб тан олиниши натижасида юзага келган ҳолатларда.

е) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган бошқа ҳолатларда.

9. АЛОХИДА ШАРТЛАР

9.1. Мижоз ҳисобрақамдаги пул маблағларини мустақил равища тасарруф этади. Банк Мижознинг пул маблағларидан ўз ихтиёрига кўра (қонунчиликда ва мазкур шартномада кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича хукуқларини чеклашга ҳақли эмас.

9.2. Мазкур Шартнома билан кўзда тутилмаган Банк ва Мижоз ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда тартибга солинади.

9.3. Мижознинг ҳисобрақами бўйича амалиётларни ўтказиш тартиби иккала томон бажариши учун мажбурий бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-хукукий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Томонларнинг ҳеч бири Томонларнинг хоҳиш-иродаси ва истакларидан ташқари юзага келган, олдиндан кўриб бўлмаган ва оқилона чоралар билан олдини олиб бўлмаган ҳолатлар, шу жумладан сув тошқинлари, ёнғинлар, зилзилалар ва бошқа табиий офатлар, уруш, эпидемиялар ва эпизоотиялар билан ёки амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ёки уларга киритилган ўзгаришлар ўз кучини йўқотган деб тан олиниши натижасида юзага келган ҳолатлар билан шартланган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки қисман бажармаганлик учун бошқа Томон олдида жавобгар бўлмайди.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради, у номуайян муддатга тузилган ҳисобланади ва Мижознинг аризаси бўйича ёки Мижоз томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганида Банк талаби бўйича чиқарилган суд қарори бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа асослар бўйича бекор қилингунга қадар амал қиласи.

11.2. Ушбу офертага киритилган барча ўзгаририш ва қўшимчалар Банк тегишли хабарномани ўзининг веб-сайтида жойлаштирган кундан бошлаб 10 (үн) календар куни ўтгандан кейин кучга киради.

11.3. Мазкур Шартнома Мижоз аризасига асосан Мижоз томонидан унга кўрсатиладиган банк хизматлари билан боғлиқ барча тўловлар амалга оширилганидан кейин исталган пайтда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

11.4. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда Банк талаби бўйича суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

12. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

- 12.1. Мижоз томонидан миллий ва хорижий валютадаги банк карталарининг эгалари (Мижознинг товари, иши ва хизматини банк картаси воситасида сотиб олувчи харидор) дан тўловларни қабул қилишда Банк томонидан Мижозга банк хизматларини тақдим этиш шартлари Банк ва Мижоз ўртасидаги ёзма шаклда алоҳида тузиладиган Банк картаси эгаларига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ тартибга солинади.
- 12.2. Шартнома шартлари ва уларни бажариш бўйича келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, келишмовчилик томонларнинг ўзаро келишувига биноан ҳал этилади.
- 12.3. Томонлар келишувга эришмаган низолар ва келишмовчиликлар Банк жойлашган манзил бўйича судда ҳал этилади.
- 12.4. Мазкур Шартнома тузилган пайтда Мижоз Банк Тарифлари билан танишиб чиққанлигини ва уларга розили эканлигини ҳамда уларни ўз мажбуриятлари эканлигини тасдиқлайди.
- 12.5. Мижоз ва бошқа шахслар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро эътиrozлар Банк иштирокисиз кўриб чиқилади.
- 12.6. Ушбу Офертада назарда тутилмаган бошқа барча жиҳатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиласилади.